

Абдуғулом МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
магистранти

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ФАТВОНИНГ ЎРНИ

Фатво – бу Ислom динида муҳим мартабага эга бўлган олимларнинг вазифаси бўлиб, у фарзи кифоя ҳисобланади. Фатвони фақат унга аҳл бўлган инсонлар амалга оширади.

Фатво ҳақида сўз юритишдан олдин бу сўзнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини билиб олиш мақсадга мувофиқдир.

“Фатво” сўзи луғатда “бирор саволга жавоб бериш”, деган маънони англатади. Савол шариат ҳукмларига алоқадор бўладими ёки бошқа нарсага алоқадор бўладими, фарқи йўқ. Аллоҳ таоло Юсуф сурасининг 43-оятда:

يَا أَيُّهَا الْمَلَأُ أَفْتُونِي فِي رُؤْيَايَ إِن كُنْتُمْ لِلرُّؤْيَا تَعْبُرُونَ

“Эй, аъёнлар! Агар туш таъбирини айтувчи бўлсангиз, тушим тўғрисида фатво (жавоб) берингиз!”, – деган.

Яна бир қанча оятларда ҳам фатво сўзи шаръий ҳукмларга тегишли бўлмаган саволга жавоб бериш маъносида ишлатилган.

Истилоҳда эса бу сўз “шаръий саволга жавоб бериш” маъносига хослангандир. Қуйидаги оятларда Қуръони карим фатво сўзини шу маънода ишлатган:

وَيَسْتَفْتُونَكَ فِي النِّسَاءِ قُلِ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِيهِنَّ

“Сиздан (эй, Муҳаммад!) аёллар тўғрисида фатво сўрайдилар. Айтинг: “Улар тўғрисида сизларга Аллоҳ фатво берур” (Нисо сураси, 127-оят).

يَسْتَفْتُونَكَ قُلِ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِي الْكَلَالَةِ

“(Эй, Муҳаммад!) Сиздан фатво сўрайдилар. Айтинг: «Аллоҳ сизларга отаси ҳам, фарзанди ҳам бўлмаган одам тўғрисида (шундай) фатво беради” (Нисо сураси, 176-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам кўп ҳадиси шарифларида фатво сўзини юқоридаги маънода қўллаганлар. У зот шундай деганлар: “Фатво (бериш) га журъатлироғингиз дўзахга (киришга) журъатлироғингиздир (Абу Довуд роҳматуллоҳи алайҳ ривоят қилган).

Такий Усманий ҳафизахуллоҳ “Усул ул ифто ва одобуху” (“Фатво бериш услублари ва одоблари”) асарида келтиришича: “Калиманинг ҳозирги кундаги маъноси “диний масала ҳақида

жавоб бериш”дир. Биз “шаръий” лафзини эмас “диний” лафзини танлашимизнинг сабаби шуки, фатво берувчи фақатгина шаръий амалий ҳукмларгагина жавоб бермайди. Балки қўпинча диний-этиқодий масалалар ҳақида, ҳадисларнинг маънолари ва уларнинг санадлари кайфияти ҳақида ҳам жавоб беради. Яна дин ва дин илмларига боғлиқ масалаларга жавоб беради”¹.

Фатво ва қазо сўзларининг фарқи

– Фатво фақатгина шариат ҳукмининг жоизлиги, мустаҳаблиги, вожиблиги, макруҳлиги ёки ҳаромлигини баён қилиб беришдир. Фатвода фатво сўрайдиган кишига унинг тақозосини қилишга мажбурият йўқ.

Қазо эса қози тарафидан чиқарилган ҳукми маҳкумнинг зиммасига юклаш бор.

– Фатво уни сўровчининг муфтийга берган саволи асосида бўлади. Муфтий саволни воқеъликка мувофиқ деган фарозда шаръий ҳукми баён қилиб беради. Хужжат ва бошқаларни талаб қилиб саволнинг ҳақиқатда тўғрилигини текшириш муфтийнинг вазифаси эмас. Шунинг учун муфтий: “Сўралган суратда ҳукм шундай бўлади”, – дейди. Сўралган суръатнинг ҳақиқатда воқеъликда бор бўлиши шарт эмас.

– Фатво фикҳий ҳукмларга чекланмайди. Балки ақоид ва ибодатларга ҳам боғлиқ бўлаверади.

Қазо эса ақоид ва ибодатларга алоқадор бўлмайди. Фақат тобе равишда бўлиши мумкин.

– Муфтий ҳар кимга фатво бериши мумкин.

Қози эса ўз оиласига ҳукм чиқара олмайди.

– Фатвода сўровчининг шароити назарда тутилмайди. Унинг саволи борасидаги шаръий ҳукми баён қилиб берилаверади.

Қазода эса икки томоннинг ҳам ҳолатлари ҳисобга олинади. Уларнинг вазияти ва шароитларига қараб ҳукм ҳам енгил ёки оғир бўлиши мумкин.

Фатво берувчи кишига қўйиладиган шартлар

Фатво масъулиятли иш бўлгани сабаб фатво берувчида бир қатор шартлар топилиши зарур ҳисобланади. Жумладан:

1. Балоғатга етган ва оқил бўлиш. Бу шартлар умумий шартлар бўлиб, ҳар қандай ишни тасарруф қилишда буларнинг мавжуд бўлиши шарт ҳисобланади.

2. Эркак киши ва ҳур бўлиш шарт эмас. Шунинг учун агар бошқа шартлар топилса, аёл киши ҳам, қул ҳам фатво бериши мумкин.

3. Илмли бўлиш. Илмсиз фатво мумкин эмас. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: “Кимга илмсиз фатво берилса, унинг гуноҳи фатвони берган кишига бўлади” (Абу Довуд (р.а.) ривоят қилган).

4. Адолатли бўлиши. Одил бўлмаган кишининг фатвосига ишонч бўлмайди.

5. Олимларнинг унга ишониши.

6. Араб тилини мукаммал билиши.

7. Шариат ҳукмларини, ундаги носих ва мансук ҳукмларни билиши.

8. Қуръони каримни мукаммал билиши.

9. Ҳадиси шарифларни ривоят ва дирият билан билиши.

10. Мужтаҳидларнинг фатволарини билиши.

11. Қиёс билиши.

12. Тақводор бўлиши. Чунки фосиқ ва фожирнинг фатвоси эътиборга олинмайди.

Мана шу шартлар тўлиқ топилгандагина ўша олим фатво беришга ҳақли ҳисобланади.

Ушбу шартлардан ташқари бир неча ишлар борки, уларга амал қилиш фатво бериш одобларидан ҳисобланади. Уларнинг айримлари қуйидагилар:

1. Муфтий фатво беришдан олдин Аллоҳ таолога юзланиб, Ундан тўғри йўлга бошлашини сўраши керак.

2. Муфтий ўзидан кўра илмли киши бор жойда фатвога шошилмаслиги, балки саволни у кишига юзлантириш керак бўлади.

¹ Такий Усманий. Усул ул ифто ва одобуҳу. – Б.10. Истамбул. – Дорул кутуб ал-арабия. 2016 й.

3. Жавобнинг тўғрилигига тўлиқ хотиржам бўлгандан кейин жавоб бериши.

4. Муфтий қалби бошқа нарса билан чалғиган вақтда фатво бермасликка эътибор бериши керак.

5. Муфтий савол берувчининг инжиқликларига имкон борича сабр қилиш керак.

6. Жавоб бераётганда аввал савол берган киши тушунадиган очиқ-равшан сўзлар билан бошлаши керак. Аввало, сўровчи жавобдан фойда ҳосил қилиб олиши учун бирор нарсанинг ҳукми айтиётганда далилларга юзланмаслиги керак. Далилларни кейин келтириш керак. Агар сўровчи олимлардан бўлса, далилни айтишдан бошлашнинг зарари йўқ.

7. Масаланинг ҳукмини олим ҳам, оми ҳам тушунадиган енгил ибора билан ёзиши керак. Агар сўровчи олим бўлса, бундан мустасно. Бу пайтда ҳукми баён қилишда илмий, истилоҳий ибораларни танлашининг зарари йўқ.

8. Фатво шаръий ҳукм ва унинг фикҳий далилини баён қилишга чекланган бўлиши керак. Ҳиссиётлардан, вақтинчалик ғазаб ва шунга ўхшаш нарсалардан холий бўлиши керак.

9. Тушунишга халақит берадиган қисқалиқдан ва малолантирадиган даражада узун бўлиб кетишдан ҳоли бўлиши керак.

Бу фатво одобларининг айримларигина холос. Фатво ҳақидаги китоблардан бундан ташқари кўплаб одоб ва муфтий риоя қилиши керак бўлган нарсалар баён қилинган.

Фатво сўровчи амал қиладиган ишлар

1. Фатво сўрайдиган киши илми, адолати, фатвога аҳл эканлигини билган кишидан сўраши керак бўлади. Буларни ўзи билган бўлсин ёки ишончли киши хабар берган бўлсин, фарқи йўқ. Фатво сўрашдан олдин имкон қадар у ҳақда суриштириш керак. Агар унинг одиллиги аниқ бўлмаса, зоҳирий одиллиги билан кифояланади.

2. Агар шаҳарда ундан кўра олим киши мавжуд бўлса ҳам фатвога аҳл бўлган олимдан

фатво сўраш жоиз бўлади. У (шаҳардаги) энг олим кишини излаши шарт эмас.

3. Агар икки муфтийнинг фатвоси ихтилоfli чиқиб қолса, ўзининг назарида олим ва тақволироғини муқаддам қилади. Агар бири олимроқ ва иккинчиси тақволироқ бўлса, бир ривоятда тақволироғини муқаддам қилади, дейилган. Лекин саҳиҳи олимроғини муқаддам қилмоғидир.

Фатво бериш масъулиятли ва ўз навбатида шарафли иш бўлиб, юқорида айтиб ўтилган шартлар тўлиқ топилган шахсларгина бунга ҳақли ҳисобланадилар. Бундай шартлар топилмаган ва фатво беришга ҳақли бўлмаган инсонларнинг эса фатволари инобатга олинмайди. Уларнинг ўзлари ҳам бундан сакланишлари керак бўлади. Салаф олимлар хатога йўл қўйишдан хавф қилиб фатво беришга ботина олмаган. Сабаби муфтий Аллоҳ таоло ва Унинг Расули номидан иш кўради. Агар бирор хатога йўл қўйса, ўзи ҳам адашади, бошқаларни ҳам адашишига сабаб бўлади. Шу сабаб саҳоба розияллоҳу анҳулар фатво бериш борасида ўта эҳтиёткор бўлганлар. Фатво берсалар ҳам, ўша замонда воқеъ бўлган ҳолатнинг ўзигагина жавоб берганлар. Саҳоба розияллоҳу анҳулар ҳамда у зотлардан кейин кўплаб олимлар фатво беришга шошилмаслик ва бу борада ўта ҳассос бўлиш кераклигини таъкидлаб ўтганлар.

Бу борада Абу Ҳанифа (р.а.)нинг бир сўзларини келтириш билан чекланамиз. У зот шундай деганлар: “Ким илмдан бирор нарса ҳақида гапирса ва унинг мажбуриятини бўйнига олса-ю, Аллоҳ таоло ундан: “Аллоҳнинг динида қандай фатво бердинг”, деб сўрамайди, деб гумон қилса, унга нафси ҳам, дини ҳам енгил бўлибди”.

Юқорида келганлардан фатвонинг қанчалик масъулиятли иш эканини билиб олдик. Шу билан бирга айрим ҳолатлар борки, ўша ҳолатда фатво бериш вожиб бўлади. Яна айрим вазиятларда эса фатво бермаслик лозим бўлади.

Қачон фатво бериш вожиб бўлади?

Бизга маълумки, фатво бериш фарзи кифоя бўлган ишдир. Агар фатвога аҳл бўлган кишиларнинг айримлари бу ишни амалга оширсалар, қолганларидан бу масълуият соқит бўлади. Лекин қуйидаги ўринларда фарзи айн бўлади:

1. Бир кишидан фатвога аҳл бўлган инсонлар йўқ бўлган жойда фатво сўралса ва у киши фатвога аҳл бўлса. Чунки Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **“Биз нозил қилган оятлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни (Муҳаммаднинг барҳақ пайғамбар эканини) одамларга Китоб (Таврот)да аниқ қилиб берганимиздан кейин (уни) яширганларни, шубҳасиз, Аллоҳ лаънатлагай ва уларни лаънатловчилар (фаришталар ва мўминлар) ҳам лаънатлагайлар”**².

2. Қачонки бир фатво сўралса ва фатво сўровчи шошилишча жавобга муҳтож бўлса. Агар фатво берилмаса, тақиқланган ишни қилиб қўйиш хавфи бўлса. Масалан, намоз ҳукмларининг бири ҳақида фатво сўралган бўлса, вақт зик бўлиб бошқа кишидан сўраш имкони йўқ бўлса ва муфтий ўша ҳукмни биладиган бўлса. Бунга юқоридаги ояти карима далил бўлади.

3. Агар раҳбар томонидан лойиқ бир кишини муфтий этиб тайинланган бўлса. Шунда у кишига фатво ишини амалга ошириш вожиб бўлади. Бунга далил Аллоҳ таолонинг ушбу ояти каримасидир: **“Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз!”**³.

Қачон фатво бермаслик вожиб бўлади?

Юқорида санаб ўтилган муфтийлик шартлари топилмаган кишиларнинг фатво бериши умуман жоиз эмас. Лекин шартлар топилиб, киши фатво беришга аҳл бўлса-

да, унга айрим ҳолларда фатво бериш жоиз бўлмайди. Жумладан:

1. Қачонки муфтий умумий тарзда фатвога аҳл бўлса. Лекин у сўралган масаланинг ҳукмини хос тарзда билмаса ва истинбот қилишга қодир бўлмаса. Ёки далиллар чалкиш бўлса ва у қувватли далилни топишга қодир бўлмаса. Бунга далил Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадиси шарифларидир: **“Қозилар учтадир (уч турлидир). Биттаси жаннатда ва икkitаси дўзахда. Бир киши борки, у ҳақни билади ва у(ҳақ) билан ҳукм қилади. Яна бир киши борки, ҳақни билади (лекин), ҳукмда адолатсизлик қилади. Бас, у дўзахдадир. Яна бир киши борки, у одамларга жаҳолатга кўра (жоҳиллик билан) ҳукм қилади. Бас, у (ҳам) дўзахдадир”**⁴.

Бу борада қазо ва фатво беришда фарк йўқдир. Бу суратда киши то ҳукм аниқ бўлмагунча жавобдан тўхтаб туриш ёки фатво сўровчини бошқа муфтийга юбориш шарт бўлади.

2. Агар фатво бериш фатво сўровчига нисбатан бирор нарсa умид қилиш ёки мойиллик билан бўлса. Агар у сўровчига лаганбардорлик қилаётгани гумонга келадиган даражада бўлса.

3. Агар муфтий ўз вазифасини тааммул ва тўғри қараш билан адо этишни ман қиладиган ҳолда бўлса. Бунга далил Абу Бакра розияллоҳу анху ривоят қилан ушбу ҳадиси шарифдир. У киши айтади: **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Ҳакам икки киши ўртасида ғазабли ҳолатда ҳукм қилмасин”**⁵. Шунинг учун муфтий қалби машғул бўлиб турган ҳолларда фатво бермасликка ҳаракат қилиши керак. Масалан, қаттиқ хафа бўлганда, қаттиқ хурсанд бўлган, уйқуси келиб турганда, қаттиқ касал бўлиб турганда, ўта иссиқ, ўта совуқ пайтлар ва бошқа шу каби ҳолатларда.

Тақий Усманийнинг **“Фатво бериш усуллари ва одоблари”**⁶ асари асосида тайёрладни.

⁴ Имом Абу Довуд ва Имом Термизий (р.а.) ривоят қилган.

⁵ Имом Бухорий (р.а.) ривоят қилган.

⁶ Муҳаммад Тақий Усманий. Фатво бериш усуллари ва одоблари. Истамбул. – Дорул кутуб ал-арабия. 2016 й.

² Бақара сураси, 159-оят.

³ Нисо сураси, 59-оят.